



190094

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

18 МАЙ, ЧОРШАНБА, № 96 (844).  
Сотувда эркин нархда. 1994 йил

## САМИМИЙ СУХБАТЛАР, КИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР...

**ТОКИО, 17 май. РТА** — ТАСС ва УоА мухбирлари хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Японияга расмий амалий ташрифи давом этмоқда. Бугунги кун ҳам кизиқарли учрашувларга бой бўлди. Ислам Каримов ва Япония Бош вазир Цутому Хата икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ҳақидаги қўшма баёнотни имзоладилар. Унда Ўзбекистон ва Япония БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ер юзиде тинчлик ва ҳафсизликни таъминлаш, минтақавий низооларни бартараф этиш йўлида баҳамжihat ҳаракат қилишни ўз зиммаларига олишлари таъкидланган. Шунингдек, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан инкалада томон ҳам манфаатдор эканлиги қайд этилган. Ислам Каримов имзола-

ган ҳужжатни ўзаро ҳамкорликнинг бошланиши деб атади. Япония Бош вазир Цутому Хата эса қадим Буюк йпқдан бошланган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига умид билдирди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Япония музокаралари бўлиб ўтди. Шу кунги Ўзбекистон Президенти Япониянинг бир қанча йирик фирми ва банклари раҳбарлари ни қабул қилди, журналистлар билан учрашди.

— Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий алоқаларни жадал суръатлар билан ривожлантириш учун етарли замин ҳозирланди, — деди Ислам Каримов. — Япон ишбилармонлари янги бозорни ўзлаштиришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашдилар. Улар бир ярим йилдан бери Ўзбекистондаги шартнони синчковлик билан ўрганидилар. Иқтисодий му-

носабатлар равақи учун зарур бўлган сиёсий барқарорликка катта эътибор бердилар. Эндиликда ҳамкорлик амалий босқичга кирмоқда. Бугунги кунда Япония ҳукумат даражасида муҳим қарорлар қабул қилмоқда, мамлакатнинг йирик хусусий компаниялари республикамиз бозорини ўзлаштиришга қадам қўймоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Президенти Японияда Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурлар етарли эмаслигини қайд этди. Жумладан, республикада хорижий компаниялар фаолияти учун яратилган шартнолар, бу йўналишда қабул қилинган қонулар ва ҳукумат қарорлари Японияда ҳали кўпчиликка маълум эмас. «Ваҳоланки, бизда хорижий сармоядорлар учун барча шартнолар яратилган, — деди Ислам Каримов.

(УоА).

## МАРКАЗНИНГ ТАШКИЛИЙ ЙИГИЛИШИ

Республика Президенти фармони билан таъсис этилган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг ташкилий йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазир ўринбосари М. Қоробоев бошқарди. Йиғилишда республика вазирликлари ва идоралари раҳ-

барлари, илм-фан, адабиёт ва санъат намояндлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда республика Президенти Давлат маслаҳатчиси Х. Жураев қатнашди.

(УоА).

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН ИШ БОШЛАДИ

17 май кунги Тошкентда «Ўзбекистон Республикасида солиқ тизмининг иқтисодий фаоллиги ва сармоя сарфлашга таъсири» мавзуда халқаро анжуман иш бошлади. Анжуманиннг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Иқтисодий ислохот, бюджет сибсати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарш комитетининг раиси Э. Хўжаев очди.

БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳомилийида ўтказилган анжуманда Германия, Канада, Марказий Осиё мамлакатларидан солиқ тизими

вақиллари, бир қанча нуқул халқаро ташкилотларнинг мутахассислари ва хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик корпуси ходимлари иштирок этди.

Анжуманиннг очилиш маросимида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Холд Малик иштирок этди.

(УоА).

## ЯНГИ КУРГАЗМА

Қорақалпоғистон ўлаш-шунослик музейида миллий мусиқа асбоблари кўргазмаси ташкил этилди. Унда XVII—XX асрларга оид ноёб ҳужжатлар, шунингдек, К. Хайратдинов, Е. Кўсполотов, К. Аҳмедов, В. Жи-

ров, Қутим буюмончи қашиб машхур санъаткорларнинг кўрмизи, дутор, буюмон, сурнай ва шибубиз каби мусиқа асбоблари ўрни олган.

Қорақалпоғистон ўлкашунослик музейининг 65 йиллиги арафасида очилган бу кўргазмага қўйилган осори атиқалар Орлобўйи ўлкасининг ўтмиши, маданияти, халқининг ўзига хос турмуш тарзи ва ўрф-одати ҳақида

хикоя қилади.

## ИҚТИДОРЛИЛАР МАКТАБИ

ЯНГИЕРДА алоҳида қўбналтга эга бўлган болалар тахсил оладиган лицей очилган. Урта мактабларнинг 9-синфини битирган болалар махсус ҳест синовлари асосида қабул қилинади.

СУРАТДА: талабалар лицей ётоқхонасида.



## ХИВАДА БМТ ТАДБИРИ

ХОРАЗМ вилояти шаҳар ва ҳоқимларининг иқтисодий масалалар бўйича муовинлари ва ишбилармонлар иштирокида бўлиб ўтган семинарда долзарб масала муҳокама қилинди.

Унда иштирок этганлар БМТнинг мамлакатимиздаги доимий ваколатхонаси сиёсий, иқтисодий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган тадбирлари тўғрисида тулиқ маълумот олдилар. Анжуманда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили муовин Лоррейн Раффри, ЮНИОНинг Ўзбекистондаги бўлими директори Жулиан Ваттс, БМТ вакилининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Бахтиёр Исомов турли соҳаларда қилинаётган ишлар хусусида сўзлаб беришди.

## ШИҒОҚОРЛАР ЗИЕ УЛАШИШДИ

АҚШ, Буюк Британия, Исроил ва Янги Зеландиядан келган бир гуруҳ кўз касалликлари шифокорлари Бухорода бўлишди.

Улар ҳафта давомида бир ярим миңдан зиёд беморларга тиббий ёрдам кўрсатдилар. 80 та мураккаб операция ўтказиб, нишонилари ёруғ дунёни кўриш бахтига мушарраф эдилар.

Хорижий шифокорлар гуруҳи раҳбари Говарт Халперин таъкидлашча, барча сарф-харажатларини христианларнинг халқаро хайрия ташкилоти зиммасига олган.

## САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА СОҒИБИ

Мамлакатимиздаги мусиқа ихлосмандлари Мирсодиқ Тожиеннинг номини ҳурмат билан тилга олишди. У яратган ўн санкиз симфония, опера, бошқа мусиқа асарлари, спектакл ва кинофильмларга ёзилган қўшиқлар халқимиз мусиқа маданиятига сезиларли ҳисса бўлиб қўйилди.

СУРАТДА: композитор М. Тожиен.



## ФЕРМА ВАҲОРИ

ТОШКЕНТ вилоятидаги Чиноз наслчилик хўжалиги жайоаси мундан-қунига янги муваффақиятларга эришмоқда.

Ишлар шовқин-суронсиз, осойишталик билан, аниқ ҳисоб-китоблар асосида ташкил қилинган. Сигирлардан олинладиган сўт миқдори кунига 15—16 литрга етмоқда. Бу жойда фақат махсулот миқдорига эмас, наслчилик ҳам индий эътибор берилмоқда. Айни пайтда хўжалик етиштирган зотдор молларни жумхуриятдаги кўпбал фермаларда кўриш мумкин.

## ФАКТАЛАР

## ТАЪСИС ДАСТУРИ АСОСИДА

Тошкентдаги Кино уйида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг «Энергия тежаш бўйича Европа иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлиги қондалари» номидаги техникавий ёрдам (таъсис) дастури тантанали вазиятда таништирилди.

Маросимни республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳақулов очди.

Ўзбекистонда ёнилғи-энергетика захиралари кўп бўлишига қарамай, республика халқ хўжалигининг бундан бўёнги тараққиёти кўп жиҳатдан уларни тежашга боғлиқ. Шу сабабли бу муаммага жиддий эътибор берилмоқда ва таъсис дастурини бажаришга ҳар томонлама қўмақлаштилади, деб таъкидланди дастури таништириш маросимида.

Учрашувда ҳозир бўлган вазирилклар, идоралар ва манфаатдор ташкилотларнинг раҳбарларига, журналистларга республикада ташкил этилган Европа иттифоқи комиссияси энергия марказининг мақсадлари ҳақида сўзлаб берилди. Бундай марказлар Москвада, Санкт-Петербургда, Киев ва Минскда ташкил этилган. Эндиликда Европа иттифоқи комиссияси мутахассислари Тошкентда ишлашмоқда, улар энергия ҳосил қилиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш соҳасидаги улкан муаммоларни ҳал қилишда бегарза ёрдам беришмоқда. Дастурининг пировард мақсади Ўзбекистонда мустақил ишлайдиган энергетика марказини барпо этишдан иборат. Бу марказ республикада тайёрланган мутахассислар ва энг янги технологиялар ёрдамида энергиядан оқилона фойдаланиш, уни тежаш стратегиясини белгилаб бера оладиган бўлиши лозим.

(УоА).

## Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари олдидан

### ҲАМДУСТЛИК РИШТАЛАРИ

ЖИЗЗАХ вилоятининг Қозоғистонга туташ Форш, Арнасов, Мирзаҷул туманларида қозоқ миллиятига мансуб кўпбал аҳоли яшайди. Уларнинг миллий қадриятларини, ўрф-одатларини, анъаналарини ривожлантиришда вилоят қозоқ миллий маданият марказининг хизмати катта бўлмоқда. Яқинда шу марказ йўлнамаси билан етти нафар кишлоқ санъаткори кўшн Чимкент вилоятининг Киров туманида ўтказилган қозоқ халқ термаларига асосланган «Айтишув» мусобақаларида иштирок этди.

Шуниси қувонарлики, уларнинг ҳаммаси совринли ўринларни эгалладилар. Бош соврин Мирзаҷул туман маданият уйи ходими Бўрибой Ҳрозимбетовга насиб этди. Иккинчи мукофотга қўйилган Жанубий Корея телевидениеи ҳаммасибими, шу тумандаги «Нурли жол» хабарномаси махсулот котиби Темиржон АЛИХОНОВ қўлга киритди.

**Н. ҲАНИТБОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## МОЗИЙИ БИР, КЕЛАЖАГИ БИР



### ТОШКЕНТ-1994

Азалдан Мирзаҷулнинг бир четида ўзбек чироқ ёнса, бир четидан қозоқ ўлиги янгилик турган. Ҳозир ҳам бу гўшадан ўзбек ва қозоқлар ақил-инок, ака-укадек қадрдон яшашмоқда.

Қозоғистон Республикасининг кўшн туманлари билан дўстона алоқалар янада мустаҳкамланмоқда. Айниқса, икки мамлакат ўртасидаги бошхона тўсиқлари олиб ташланган, борди-келиди аввалгидек эмин-эркин бўлиб қолди.

Сирдарё вилоятида 24 миңдан зиёд қозоқ истиқомат қилади. Сайхунобод, Сирдарё туманларидаги қозоқ қишлоқларининг 400—500 йиллик тарихи бор. Оқолтин тумани ва Гулистон шаҳрида яшаётган қардошларимиз Мирзаҷулнинг ўзлаштиришда фаол қатнашиб, шу ерда муҳим қўлишган.

— Мирзаҷул ўзбек ва қозоқ қаҳқарули дўстлигининг, қон-қардошлигининг тимсолига айланган, — дейди вилоят қозоқ миллий маданият маркази раиси Совет Донёров, — чўли боғу буюстона бурнашда бошқа халқлар вакиллари қатарига қозоқларнинг ҳам муносиб хиссалари бор. Шукурини, қозоқ чўлуқварларининг меҳнатлари ўз ерда бир неча меҳнат қаҳрамонлари, ўнлаб тобланган раҳбарлар етишиб чиқдилар. Энг қувончлики, Ўзбекистонимиз мустақил бўл-

гач, Мирзаҷулдаги қозоқлар ҳам ўз миллий қадриятлари, ўрф-одатлари ва анъаналарини тиклаш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозир вилоятимизда 7 та қозоқ ва 7 та ўзбек тилларида таълим берадиган ўрта мактаб мавжуд. Гулистон Давлат университетининг қозоқ тили ва адабиёти факультетида 300 нафар қозоқ талаба саълоқ олаётди. Миллий маданият марказимиз эса 1992 йилнинг май ойида бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Марказнинг сарф-харжати тўғрисида вилоятдаги қозоқ аҳолиси ўртасида миллий қадриятларини тиклаш, она тилини эъзозлаш ва алтаверса, шояр айтганидек, батта, бошқа халқлар билан дўстлик анъаналарини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ишлар қилинди. Марказ Ватанимизнинг барча байрам ва кўтулғу кунларида ўзининг турли тадбирлари билан қатнашиб келмоқда. Утган йили бўлган «Ёш талентлар» кўрғинида сирдарёлик 4 нафар ёш қозоқ икромчиси республика таловли совриндори бўлди. Наврўз байрамига бағишланган 1993 йилги вилоят кўрғинида иккинчи ўринни эгалладик. Миллий маданият марказимизнинг яна бир муҳим вазифаси — инсон қадрини кўтаришдир. Жумладан, чўлда заҳматли меҳнат қилган кишиларнинг юбилей тўғрисидаги маъруза бош кўрашмиш.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

### Француз сайёҳига эҳтиром

Фарғонанинг азм чирноқлари салобат солиб турган шиман кўчаларидан бирда жойлашган бу мактаб Жозеф Наполеон Мартен номи билан аталади.

Илм дароҳининг кўпчилики нотаниш бўлган бу ажабий сайёҳ номи билан аталгани бежиз эмас. Ҳозир умирини Шарқий Сибирь, Хитой, Туркистон ўлкаларини ўрганишга бағишлаган Жозеф Мартен бундан бир аср муқаддам янги Марғилон (ҳозирги Фарғона шаҳри)да вафот этган эди. Унинг ҳоли шаҳардаги насронийлар қабристонига дафн этилган. Ана шу жаҳонгашта сайёҳ тўғрисида у таваллуд топган Франциянинг Виен шаҳри билан Фарғона ўртасида борди-келиди, ўзаро маданият-адабий алоқалар вужудга келди.

Шаҳардаги 3-ўрта мактаб француз тилини чўқур ўргатишга иқтисодлаштирилган. Мактабда Франция

элчионасининг маданият ишлари маслаҳатчиси Коңтэ хонимнинг ташаббуси билан машхур сайёҳнинг музейи ташкил этилди. Музейда Жозеф Мартеннинг ҳаёти, Шарқий Сибирь, Хитой ва Туркистон бўйлаб қилган сафарлари хариатаси, эсдаликлар, илмий изланишларнинг фото нусхалари жой олган. Шунингдек, музейда Франциянинг тарихи, бугунги кун ва иқтисодий-иқтисодига бағишланган кўргазмалар ҳам ташкил этилган.

Утган йили мактабда таширф буюрган Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Поль Везиан жаобларни бу ерга дарсликлар, ўқув қўланмалари тақдим қилди. Ҳуқуқчилар эса француз халқ ашулалари, шеърлари билан меҳмонларни хушнуд эттишди.

**Набижон СОВИР,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Халқимизнинг ардоқли шоғри Маъсуд Шайхзода бир вақтлар фахр билан «Ўқув» ўзбек шеърига кўрғон» дея ашғор биттайдилар. Рустам Хўжаиди латиф миллий маданиятимида доя бўлган масканидаги бири, унинг номи ва шўхрати тарихимиз билан ҳаммадан ҳаммадан. Бу шаҳар хариатасида э бир фойдалиқдан таъки улуг қаҳрамонидан дардан бериб турувчи, халқ ва ватан таъдирига қамар басталик рамзи бўлиб эштилувчи, фақир қулбага ёқилган чироғу потаюво қанбалар истаган кўш шўвласи янгилик таъсир қилувчи

## «ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИ НОМИДА

### ЯНА БИР КЎЧА

жойлар ва номлар кўп. Булар халқ эътирофи, алоқдор хурматининг рамзидир. Шаҳар ҳокими Хўжаиди Малломқўловнинг матълум қилишича, энди ана шу табибаруқ масканининг марказий кўчаларидан бири «Халқ сўзи» газетаси номи билан аталадиган бўлибди. Шонилчиномада ёзилганича, «Халқ сўзи» қўқонликларининг семимли наври бўлиб, бу йил уларнинг газетамизга

энг кўп нуسخада обуна бўлганликлари ҳам бежиз эмас. Албатта, маънавиятга эҳтиб ҳар доимдан ҳам кўпроқ сезилётган ва бу соҳа кишилари мустақиллашган бир шароитда халқимизнинг умбу хурмати кўрсатилган гамхўрлик даражасида қабул қилинади ва жамоани янги иқодий режаларга илқомлантиради.

**Х. САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## СЕССИЯ БУАИБ ЎТДИ

Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг республика Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда вилоятда иқтисодий ислохотларнинг

бориши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди. Кун тартибидеги масала юзасидан вилоят ҳокими Бургулал Рашидалиев маъруза қилди. Музокараларда сўзга чиққан халқ ноиблари республика мустақил-

лигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бориладиган ишлар ва келгуси режалар ҳақида кенг ва атофалча фикр юритдилар.

Қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**А. МАДАТОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.





# ЎТДА КУЙМАС ҲАЁТ ОТИ...

«Қош-қабодан нарида юрган жангчи шоирларни йўқлаб, уларнинг жангтоҳ дафтарлари саҳифаларига бўйламоқчи эдик... Ана шундай ҳоқисор ижоддорлардан бири қаш-

ри қилиб қайтган Тура ана кутилмаганда муҳарририяти- мизга тамоман бошқача руҳдаги ғазалларини тақ- дим этди. Улар Ватан ҳа-

қиди, ишқ, вафо, одабий- лик ҳақида! Жангчи шоир бу билан гўё оловларга кирганликларининг, Ғалабага етганликларининг боиси нималар дим этди. Улар Ватан ҳа-

**ҲЕЧ ЭЪТИБОР ТОПМАЙДИ**  
Ҳақиқатини сўзламаган ҳеч эътибор топмайди, Вахт йўлини кўзламаган ҳеч эътибор топмайди. Ёлгон-ишқ баҳонани рўқач қилиб асосен, Бўлар ишқни тезламаган ҳеч эътибор топмайди. Менсиясдан халқ ишончига, бўладиган ҳосилга — Чора-тадбир изламаган ҳеч эътибор топмайди.

Ишқ билан ҳалол иш, элнинг сев ҳамини, Эгри кўлини тузламаган ҳеч эътибор топмайди.

Ким бўлса ҳам мағрурлини, ёши удуғни, Тура, Сансирлаб, сизламаган ҳеч эътибор топмайди.

ТУРА ЖУМАН.

## БУЮК ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

Акмал Икромов номли Каттақўрғон педагогика билим юртида Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда билим юрти ўқитувчилари ва талабалари буюк шоир адабий мероси ҳақида сўз юритдилар.

Кечада иштирок этган Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадали Абдуқундузов Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асаридан парча ижро этди. Билим юрти қошида тузилган мақомчи қизлар дастаси иштирокчилари эса Бобур ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлардан куйлашди.

М. МУҚИМОВ.

# ҚЎЛИ ЕНГИЛ ТАБИБ

У усиринлик йиллари кутилмаган бахтсизлик туфайли оғир бетобликка учиради. Мурожат этмаган доктор, бош сўзмаган беморхона қолмади. Ҳаммасининг фикри бир хил эди: «Энди юришнинг амри маҳол». Унинг учун ана шундай қайғули кунларнинг бирида Хитойнинг Шинжон уйғур мухториятидан келиб, Ўзбекистонда анкироги Наманганда ўзига иккинчи ватан топан уйғур табиб жонига оро кирди. Оёқларидан бутунлай умидини урган болакайнинг юриб кетиши учун бор-йўғи ўн ой кифоя бўлди. Муҳиддин кейинчалик ўн олти йил давомида, яъни ўн етти ёшдан то 33 га киргунча ўз ҳалоскори ва устозидан ҳас- тахал кишиларнинг томиридан ушлаб ташқис қўйиш ва унинг танасидаги бутун дардларини даволашдек, Шарқ табobati сир-асрорларини ўрганди. Шунингдек, у турли хил гиеҳлардан касалликни даволочи малҳамлар тайёрлаш сирларини ҳам эгаллади...

Муҳиддин Умаров ҳақида ўзинида ҳеч нарса ёзилмаган бир пайтда хорижий матбуотларда у ҳақда шов-шувли гаплар пайдо бўлди. Ҳужжатларга мурожаат этганимиз, ана қўлимизда америкалик журналистлар ва олимларнинг фикри ёзилган видеотасма. Унг тасвирли магнитофонга қўйганимизда Муҳиддин Умаров Америка Қўшма Штатларидаги оғир касаллар даридага малҳам бўлаган лаҳзаларнинг гувоҳи бўлаемиз. Туркия телевиденнеси томонидан тайёрланган кўрсатувда эса оёқлари тамоман ўзига бўйсунмай қўйган ёш қизча экранда намоян бўлади. Муҳиддин табиб уни диққат билан кўздан кечирмоқда. Қизанинг ниямон қўлларини ушлаб, ташқис қўйяпти. Даволашнинг дастлабки ҳафталари... Муҳиддин ҳақим устозидан ўн йилдан ошқароқ сабр билан ўрганган уқалаб даволаш усули билан ўз миязини дардан фориқ этапти. Турли хил гиеҳлардан тайёрланган малҳамларни ичирмоқда... Кейин бор-йўғи бир неча ҳафта муқаддам ўрнидан қўзғалолмай ётган қизчанинг бор ҳовлисида югуриб кетаётгани намоян бўлади. У ҳайқирганча шўх-шодон қаҳ-қаҳа отиб, оёқларини аввал олдинга, кейин ор-

қага, сўнг эса иккала ёнга муаллақ ҳаранат қилдиради. Муҳиддин Умаровнинг усуллари жаҳоннинг қўлаб маиллактаридаги беморлар дардига малҳам бўлди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Муҳиддин Умаровдан қўлаб бўлган ёрдамларини қамалаяпти. Тошкентда табибнинг «Томирдан ушлаб ташқис қўйиш» номи қаттагина китоби чиқриш арасида. Мутаҳассислар олдин ун рус, кейин инглиз тилларида таржима қилишни мўлжаллашмоқда.

Унинг 27 нафар шогирди бор. Улар ҳам ўз устозини наби беморларнинг томиридан ушлаб, юрак уришини эшитини биланон киши тана-сида қандай насалик борлигини аниқ айтиб бери-шади. Ҳар хил доривор гиеҳлардан малҳамлар тайёрлаб, ўз беморларига устозининг кўрсатмаларисиз тасвия эта олишади.

Наманганда ҳозир Муҳиддин Умаровнинг ўзига хос «Шарқ табobati» мактаби яратилган.

Ю. КАЗАЧЕНКО, А. МАДАТОВ, махсус мухбирларимиз.

## ЕКАТЕРИНАНИНГ ТАНГАСИ

Сурхондарё вилоятидаги ўлмасинослик музейи икки юзга яқин ноёб тарихий жиҳоз билан бойитилди. Божхона ходимлари маданият ёдгорликларини четта олиб кетаётганларни ушлаб қолди. Улар орасида рангли металлдан, гилдан ясалган нафис чилмилар, бухорий тўнлар, бутлар, самовар ва офтоба наби қадимги халқ амалий санъати намуналари бор. Айниқса, Пруссия қироли Вилгелм иккинчининг тасвири туширилган немис тангаси, Екатерина иккинчи ва Эрон подшоҳи даврида зарб этилган тангалар бе- баҳо қимматга эгадир.

Ч. ТУХТАЕВ, УИА.

Қўдон азал-азалдан санъаткорлар юрти. Айни кунларда бу ерда катта ашу- лачиларнинг республика кўрик-танловини ўтказиш учун танлангани бежиз эмас. Бирча вилоятлар ва қўшни республикалардан ҳам кўп- лаб меҳмонлар ташриф бу- зирди.

**СУРАТДА:** Қўдон кўрик- танловининг фарғоналик иштирокчилари Сайёд Исмоилов, Аллом Муниров, Қурбонали Норматовлар саҳнада.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.



## Нишондорлар

# «ШОДЛИКДАН ЎЗИМНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙДИМ»

«Соғлом авлод учун» — бу муқтадир давлати- мизнинг биринчи ва ўзига хос нишони. Негаки бундай орден ҳеч ерда ҳеч қачон жонингиз мамлакат- лари тарихида тасвир этилмаган олий мукофотдир. Республиканинг кенжа вилоятларидан бири Жиз- зах воҳасида бир йўла уч киши ана шу орден и- шондорли бўлди.

Ўзининг кимтарона касби билан элга танилган- лардан бири Жиззах индустриал техникумининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Абдуқадир АБДУ- ЖАББОРОВДИР.

— Ҳаётимда жуда кўп қувончли воқеалар бўлган, — деб эслади Абдуқадир. — Лекин ҳеч биттаси мени бу каби ҳажжонга солмаган, оиламга бунчалик қувонч келтирмаганди. Жиззах сайл- гоҳларида Наврўз тарадууди кўрилатган бир пайтда бу хушхабарни эшитиб, ўзимни йўқотиб қўйдим. Ҳафта давомида уйимизда телефон жиринглаб турди. «Соғлом авлод учун» орден ишондорли бўлганим ту- файли қўловларингиз кети урилмасди.

Ҳақиқатини ҳам Абдуқадирнинг оиласи шу кунлари тўйхонага айланмоқ кетди. Техникум жамоаси Абду- қадирнинг орденга муно- сар бўлганлиги муно- сабат билан халқимизнинг қадимий удумларига кўра элга дастурхон ёниб ош берди. Тадбирга барча катта-кичик ўқув юртидан ҳаммаслар таклиф этилди.

— Бу жудаям қутлуғ даргоҳ — деди тадбирни оваркан, техникум директори, иқтисод фанлари номзоди Рустам Нейматов, — ўқув юрти со- биқ директорининг раҳматли Фанн Дамнонов ташаббуси билан бўйбўй этилди. Фанн ана Шароф Рашидовнинг мактабдош эди. Биз у киши- нинг васиятлари билан таълим дароҳини анча кенгай- тирдик. Жиззах электротех- ника, политехника техникум- лари ҳам қўшилиб, эндиликда икки миңдан зиёд тала- баблар тахсил олмақда. Уларга таълим-тарбия бера- ётган 120 нафар ўқитувчи мураббийлар ўртасида Аб- дуқадир Абдуқадировнинг юксак мунофотга сазовор бў-

лиши жамоамизнинг нафақат вилоятда, балки республика- да ўз ўрни, нуфузи борлиги- дан дарак бериб турибди.

Бугунги кунда унинг шогирди Олимжон Муқимов педагогика институтда жис- моний тарбия ўқитувчиси. Энг кенжа шогирди Даврон Файзиев «Сўғдиёна» футбол жамоасида тўп суряпти.

Дарҳақиқат, Абдуқадир- га ўхшашан ўқитувчилар ви- лоятда жуда кўп. Бу юксак орден соҳиб бўлганча осон йўлни босиб ўтмади. Битта қишки спорт зали, ёшиқ бокс зали, ёғи волей- бол, футбол майдонлари кўри- ш учун бошқалардан кўп- рок эгудди, ҳашарлар таш- кил этди. Шунга эришдики, техникум спорт зали жиҳоз- лари ва қўлалиги билан воҳадига ягона спорт қоша- насига айланди. Вилоят, баъзан республика мусоба- қалари шу ерда ўтказилади- ган бўлди. Қиш пайтлари эса залининг бирини «Вўстон» футбол командасига ижара- га бериб, тушган маблағга спорт жиҳозлари сотиб олди. Тўққизта спорт тури бўйича бу ерда тўраганлар ишлаб турибди. Еттоқсонлар ўр- тасидаги мусобақаларнинг ўзига 120 йилгич қатнаш- япти. Ўқитувчилар ва тех- ник ходимлардан иборат 20 кишилик соғломлаштириш гуруҳи билан ҳафтанинг се- шинчи ва жума кунлари музтама равишда машгу- лотлар ўтказилади. Шунинг мақсада лойиқлик, кейинги ўн йил ичиди вилоятдаги техникум ва олий ўқув юртига ўртасида ўтказила- ётган спорт мусобақаларида умумимонда бўйича ва во- лейбол ҳамда баскетболдан

фақат биринчилигини эгал- лаб келиптилар.

Бу ерда жисмоний тар- бия соҳасида ҳам ўтказила- ётган ислохотлар кўзга таш- ланиб қолди. Илгарилари юқоридан тасдиқланган дастурга қатъий амал қилиб спортнинг ҳаммага маълум бир неча тури бўйича дарс ўтиладиган бўлса, эндилик- да Абдуқадир ўз ўқувчилари- га Олим Рихсиев, Шукур Ҳакимов, Рустам Муҳамма- диев каби шогирдлари кўма- гини унутилган миллий халқ ўйинларини ҳам ўргатмоқда.

Абдуқадировлар оиласи спортчилар жамоаси де- яниш мумкин. Укалари Инат ва Суннат жисмоний тарбия муаллими. Қизлари Гулҳе- ра ва Шаҳноза турмушга чиққан, бири банк ходи- ми, иккинчиси ўқитувчи бў- лишига қарамай, ҳамон бас- кетбол тўрагага қатнаша- ди. Ўн биринчи синфда ўқи- ётган Дилдора эса волейбол- дан шаҳар биринчилиги со- вриндори. Ўн тўрт яшар Ла- зизхон «ушў» машгулотла- рига боришни яқин кўради. Шаҳар ва вилоят бўйича ўт- казилган барча турдаги мусобақаларда Абдуқадир- нинг бош ҳакам этиб тайин- ланиши ҳам унинг чуқур би- лим, катта тажриба эгаси эканлигидан далолат бериб турибди.

Сўхбат сўнггида биз «Соғ- лом авлод учун» орден и- шондорига икита савол би- лан мурожаат қилдик.

— Орден берилиши ҳақи- даги хушхабарни эшитта- нингизда кўнглингиздан ни- малар кечди?  
— Албатта, менинг арзи- мас меҳнатларимнинг хуку- мат томонидан инобатга олингани ва «Соғлом авлод учун» юксак ордена лойиқ топишганидан кўнглим миннатдорчилик ҳисси билан тўлиб-тошди. Шунингдек, кўз олдимга рамазоникон фар- завларимиз, туранина осе- тилиб қабил олдий машқларни бажара олмайдиган ниямон болалар келди. Жисмоний тарбия ва спортга ҳозирга қадар эътиборсизлик билан

қараб келингани, иккинчи даражадан фан қаторида ҳи- собланганлиги оқибати бу. Халқ таълими ислох қили- наётган шу кунларда бу со- хага бочча ва мактабдан тортиб аҳамият бермасан, ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом қилиб етиштиришга кенг жамоатчилигини жалб қилмасан, катта имкониятни бой берган бўламиз. Соғлом ақл фақат соғ танда бўлиш- ларини бир зум эсдан чиқар- маслик зарур.

— Демак, бунинг учун жисмоний тарбия ва спорт- ни янада ривожлантириш даркор. Бу йўлда тўсиқлар, муаммолар, синингча, нима- лардан иборат?

— Бошча жойни билмади- му, бизнинг вилоятимиздаги барча спорт дўноқларида арзон ва мавсумбоп спорт кийимларини, оддий футбол ва қўл тўпларини, махсус пойафзалларни, ҳатто шох- мот-шашка, теннис тўпчалар- ни топиш амри маҳол. Биз ўзимиз топган маблағларга тижорат дўноқларидан ўтти- та тўп сотиб олдик. Тринот- таж фабрикасига 230 миң сўм ўтказиб кийимлар тин- тирдик. Бу мақсадлар учун бюджетимизда пул етарли. Спортдаги ютуқларимизни кўриб, вилоят ҳоқими спорт ишпоотларимизни таъмир- лаб янгира миллион сўм- лидан зиёд маблағ ажрат- тишга ваъда берди. Республи- камиз корхоналарида ишлаб чиқариладиган спорт жиҳозларидан баҳраманд бўладиган кунлар ҳам келиб қолар.

Қаҳрамонимиз жуда тўғри муаммоларни ўртага таш- лади. Келажак буюк давлатни бошқариладиган соғлом авлодни тарбиялаш, намола- га етказиш фақат ўқитувчи- нинг, ишқорларнинг му- раббийларнинг вазифаси бўлмаслиги керак. Бу соҳа умумхалқ иши даражасига кўтарилишига бундан-да улғувор натижаларга эриши- шимиз мумкин.

Ҳ. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## СОТИЛДИ!

### БУХОРОДА УТКАЗИПГАН КЎЧМАС МУПК КИМОШИ САВДОСИ ЯКУНИ

1. "Нева" павильони, Когон шаҳри марказида жойлашган. Бошланғич нархи - 2,5 млн. сўм-купон. 13 млн. сўм-купонга сотилди.
2. "Мебель" павильони, Когон шаҳри марказида жойлашган. Бошланғич нархи - 10 млн. сўм-купон. 50 млн. сўм-купонга сотилди.
3. Совутилган ичимликлар, вино-арок ва пиво ичимлиги билан савдо қилувчи Фирма-магазин, Бухоро шаҳрида жойлашган. Бошланғич нархи - 15 млн. сўм-купон. 110 млн. сўм-купонга сотилди.
4. "Интерагро" магазини биноси. Бухоро шаҳрида жойлашган. Бошланғич нархи - 7 млн. сўм-купон. 200 млн. сўм-купонга сотилди.
5. "Спорткомплекс" бекати. Бухоро шаҳри П. Неруда кўчасида жойлашган. Бошланғич нархи - 4,7 млн. сўм-купон. 13 млн. сўм-купонга сотилди.
6. Бухоро шаҳридаги "Наврўз" ресторани ёнида жойлашган БЕКАТ. Бошланғич нархи - 4,5 млн. сўм-купон. 9 млн. сўм-купонга сотилди.
7. Бухоро шаҳридаги Нақшбандий кўчаси 153-уй ёнидаги БЕКАТ. Бошланғич нархи - 4 млн. сўм-купон. 37 млн. сўм-купонга сотилди.
8. Бухоро шаҳридаги Нақшбандий кўчаси 5-уй ёнидаги БЕКАТ. Бошланғич нархи - 4 млн. сўм-купон. 18 млн. сўм-купонга сотилди.
9. Бухоро шаҳри Нақшбандий кўчасидаги Марказий Универсал магазин қаршисида жойлашган БЕКАТ. Бошланғич нархи - 4,7 млн. сўм-купон. 21 млн. сўм-купонга сотилди.
10. Бухоро шаҳридаги Ульянов кўчасида жойлашган "Баҳор" кафеси БЕКАТИ. Бошланғич нархи - 5 млн. сўм-купон. 34 млн. сўм-купонга сотилди.
11. Қурилиши тугалланмаган КИНОТЕАТР, 2 та залдан иборат. Бошланғич нархи - 50 млн. сўм-купон. 90 млн. сўм-купонга сотилди.

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
**НАРОДНОЕ СЛОВО**  
● ТЕЛЕФОНЛАР:  
маълумот учун 33-07-48;  
эълонлар бўлими 32-09-25.  
Индекс: 64608.

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгаши Раёсати  
ва Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анивар ЖУРАБОВ  
**ТАҲРИР ҲАЯЪАТИ:**  
Абдунаби БОЯҚУЗИЕВ, Эсимган БОЛИЕВ [масъул котиб, «Халқ сўзи»],  
Эрини ВОҲИДОВ, Мирнам Миралимов, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ [бош муҳар-  
рлар ўринбосари, «Халқ сўзи»], Лев ПАК [бош муҳаррир ўринбосари, «Народное  
слово»], Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРКОВ  
[масъул котиб, «Народное слово»], Шавакат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ,  
Муҳаммаднор ҚОРАБОВ, Саидхорр ҒУЛОМОВ.

● **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Набатчи муҳаррир —  
И. Худобер, набатчи —  
Т. Должен.